



МДХНИНГ СОЧИ САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 10-11 октябрь кунлари Россия Федерациясининг Сочи шаҳрида бўлиб ўтган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 11 октябрь кун бўлди.

Сочидаги Халқаро конгресслар марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин кутиб олди.

Дастлаб МДХ давлат раҳбарлари тор доирада учрашув ўтказди. Унда Ҳамдўстлик доирасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, ушбу халқаро тузилма фаолиятини такомиллаштириш масалалари муҳокама қилинди, минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги 1991 йил 8 декабрдаги МДХни тузиш тўғрисидаги битим ҳамда 1991 йил 21 декабрдаги мазкур битимга протокол асосида ташкил қилинган. Ушбу халқаро тузилмага Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Туркменистон, Тожикистон Республикаси ва Украина аъзо ҳисобланади. Ижроия кўмига МДХнинг ижро этувчи, маъмурий ва мувофиқлаштирувчи идорасидир.

Ўзбекистон МДХ доирасидаги кўп томонлама ҳамкорликда фаол иштирок этиб келмоқда. Бу аъзо мамлакатлар билан турли соҳалардаги алоқалар ривожига ҳисса қўшмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Ҳамдўстлик мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, туризм, илм-фан, таълим ва хавфсизлик соҳаларидаги ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлигини таъкидлади. Йил бошидан буён мамлакатимиз билан МДХ давлатлари ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 фоиз ўсган.

Ўзбекистон тузилмадаги иштирокини янада фаоллаштириши. Шу йил 3 ноябрь кунли пойтахтимизда МДХ Ҳукумат раҳбарлари кенгаши йиғилиши ўтказилди.

Давлатимиз раҳбари аъзо мамлакатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, Ҳамдўстлик доирасида янги, аниқ лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарурлигини қайд этди.

Транспорт ва коммуникациялар ҳамкорлигининг стратегик муҳим йўналиши ҳисобланади. Ўзаро интеграциялашган транспорт тизимларини ривожлантириш, Ҳамдўстлик минтақасининг улкан транзит салоҳиятидан тўла фойдаланиш барча учун манфаатли. Маъмурий жараёнларни такомиллаштириш ва ўзаро имтиёзлар бериш бу борада муҳим аҳамият касб этади.

Туризм соҳасидаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинмагани, бу имкониятларни таҳлил қилиш ва аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Афғонистондаги вазиятга ҳам эътибор қаратилди. Жиноий даромадларни легаллаштириш, коррупция, терроризм, наркотики бизнес каби хавф-хатарларга қарши бirlгаликда курашиш масалалари муҳокама қилинди.

МДХга раислик қилаётган навбатдаги мамлакат масаласи кўриб чиқилди. Умумий қарорга мувофиқ, 2018 йилдан ушбу халқаро тузилмага раислик Тожикистон Республикаси ўтди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев шу муносабат билан Президент Имомали Раҳмонни табриклади ва ушбу масъулиятли вазифани бажаришда муваффақиятлар тилади.

Давлат раҳбарлари музокараларни кенгайтирилган таркибда давом эттирди.

Мажлисида Ҳамдўстлик мамлакатларининг Парламентларо асамблеяси фаолиятини такомиллаштириш, Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ва Иқтисодий кенгашини ривожлантириш, келгуси йилларда МДХнинг маданий пойтахтларини белгилаш каби масалалар муҳокама қилинди.

МДХга аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг Оила институтини ва аънавий оилавий қадриятларни қўллаб-қувватлаш бўйича баёноти, Ҳамдўстликда 2019 йилни Китоб йили, 2020 йилни 1941-1945 йиллардаги улғу Ватан урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги йили, деб эълон қилиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Ҳамдўстлик мамлакатларининг жиноий даромадларни легаллаштириш, терроризм ва қирғин қуролиларини тарқатишни молиялаштириш, коррупцияга қарши курашиш

соҳаларидаги ҳамкорлигига доир концепциялар таъкидланди.

Шунингдек, МДХ мамлакатлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган яна қатор ҳужжатлар қабул қилинди.

Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев ушбу учрашувдан мамнуллигини билдириб, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари аниқ амалий мазмун билан бойиганини алоҳида таъкидлади.

Владимир Путин Шавкат Мирзиёевни Сочида ташрифи билан қутлаб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил апрель ойида Россияга давлат ташрифи чоғида эришилган келишувлар изчил амалга оширилаётгани ва бу ўз самараларини бераётганини қайд этди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик 2004 йил 16 июнда имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома, 2005 йил 14 ноябрда имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома асосида изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатларимиз БМТ, ШХТ, МДХ каби халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ўзбекистон Президентининг Россияга давлат ташрифидан сўнг ўтган қисқа даврда ўзаро алоқалар сезиларли фаоллашди. Ҳамкорлик доирасига янги соҳалар қўшилди. Кейинги ойлarda ҳукуматларaro ва ҳудудларaro даражада бир қанча ташрифлар амалга оширилди.

Россия Ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан. Мамлакатимизда Россиянинг етакчи компания ва банклари иштирокида йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилмоқда. Экспорт ва импортнинг барча кўрсаткичлари бўйича ўсиш кузатилмоқда. Йил бошидан буён ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 3 миллиард доллардан ошган.

Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган Ўзбекистон — Россия бизнес-форумида икки мамлакат ишбилармонлари кўплаб истиқболли келишувларга эришди.

Саноат ва қишлоқ хўжалиги тармоқлари ўртасида кооперация кучаяётгани, бизнес вакиллари ҳамкорлиги кенгаётгани, халқларимиз ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди. Москва ва Бутун Рус Патриархи Кириллнинг Ўзбекистонга ташрифи ҳам халқларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро англашувни мустаҳкамлашга хизмат қилгани қайд этилди.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди. Томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг учрашуви бўлиб ўтди.

Шавкат Мирзиёев давлат раҳбарларининг 2016 йил Самарқандда ўтган учрашувидан кейин Ўзбекистон ва Беларусь муносабатлари фаоллашгани, ўзаро савдо айланиши сезиларли ошганини таъкидлади. Икки мамлакат иқтисодиёти бир-бирини тўлдирши, қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, машина-созлик, озиқ-овқат саноати ва бошқа соҳаларда фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжудлиги қайд этилди.

Александр Лукашенко Беларусь Ўзбекистон билан ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришдан манфаатдор эканини таъкидлади.

Беларусь Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий шерик сифатида қарайди. Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар дўстлик ва ўзаро манфаатдорлик тамойиллари асосида ривожланиб бормоқда.

Қўшма корхоналар ташкил этиш, савдо уйлари кенгайтириш, хомашёни чуқур қайта ишлаш бўйича ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Беларусь Президенти Александр Лукашенкони Ўзбекистонга таклиф этди.

Анвар САМАДОВ,
ЎЗА махсус мухбири
Тошкент — Сочи — Тошкент.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«ЎЗБЕКISTON КОНСТИТУЦИЯСИГА 25 ЙИЛ» ЭСДАЛИК НИШОНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

1992 йил 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун юртимиз тарихидаги буюк саналардан биридир.

Бош Қомусимиз ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин бозор муносабатлари ва ҳусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодиётни қуриш, халқимизнинг тинч, обод ва фаровон ҳаётини таъминлаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш, миллий қонунчилик тизимини шакллантириш ҳамда мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида ислохотларни муваффақиятли амалга оширишда мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги муносабати билан ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий,

ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатларaro дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшган юртдошларимизни тақдирлаш мақсадида:

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони таъсис этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2017 йил 10 октябрь

Ш.МИРЗИЁЕВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонида 1-илова

«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони тўғрисидаги ИЗОМ

1. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, илмий, маънавий салоҳиятини ва мудофаа қудратини юксалтириш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, давлатимиз сарҳадларининг дахлсизлигини таъминлаш, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорликни, миллатларaro дўстлик ва тотувликни асраш, Асосий Қонунимизнинг

ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини кенг тарғиб этиш, ёш авлодни қонунга ҳурмат, Ватанга меҳр ва садоқат руҳида тарбиялаш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаятган барча соҳа вакиллари, меҳнат фахрийлари, ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳамда бошқа шахслар тақдирланади.

2. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони билан Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган

шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

3. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, вазирликлар, идоралар, жамоат бирлашмалари ва бошқа республика органлари


раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, шунингдек, шу ишга вакил қилинган бошқа шахслар томонидан тантанали вазиятда топиширилади.

Мукофотланганларга эсдалик нишони билан бирга унинг гувоҳномаси берилади.

4. «Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони кўракнинг чап томонига давлат мукофотларидан кейин тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2017 йил 10 октябрдаги ПФ-5201-сонли Фармонида 2-илова

«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишонининг ТАВСИФИ



«Ўзбекистон Конституциясига 25 йил» эсдалик нишони 0,25 микрон қалинликдаги олтин билан қопланган мис қотнамасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик нишонининг қалинлиги — 2,2 миллиметр.

Эсдалик нишонининг олд томони марказида оқ эмалдан ишланган саккиз

қиррали юлдуз тасвирланган. Юлдуз марказида, таралаётган қуёш нурлари фонида Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғининг рангли эмалдан ишланган ҳилпираб турган тасвири акс этган. Юлдузнинг тепа қисмида баландлиги 3,5 миллиметр бўлган «25» ёзуви, пастки қисмида эса баландлиги 2,5 миллиметрли «YIL» ёзуви жойлашган. Эсдалик нишонининг пастки қисмида, саккиз қиррали юлдуз остида мовий рангдаги эмалдан ишланган очилган ҳолатдаги китоб — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тасвири акс эттирилган. Ёзувлар зарҳал рангда.

Эсдалик нишонининг айланаси бўйлаб оқ эмалли доирада «O'ZBEKISTON KONSTITUTSIYASIGA» сўзлари ёзилган. Пастки қисмида, марказида иккита саккиз қиррали юлдуз ораллигида бир-бирига туташтирилган ҳолатдаги иккита зайтун новдаси тасвирланган. Ёзувлар ва тасвирлар зарҳал рангда бўлиб, ҳарфларнинг баландлиги 2 миллиметрни ташкил этади.

Эсдалик нишонининг орқа томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган бўлиб, пастки қисмида, марказида «2017» ёзуви жойлашган.

Тасвирлар ва ёзувлар қабарикдир. Эсдалик нишонининг олд ва орқа томонларининг четлари қабарик доира билан ўралган.

Эсдалик нишони шойи лента билан қопланган тўри тўртбурчак шаклидаги қадағичга илгакчалар ва ҳалқача ёрдамида уланган. Шойи лентанинг ўртасидан эни 7 миллиметрли яшил рангли йўл, унинг икки четидан эса сариқ рангли энсиз чиқиқлар билан ҳошияланган эни 2,5 миллиметрли иккита оқ рангли йўл ўтган. Шойи лентанинг чекка қисмлари бўйлаб эни 2,5 миллиметр бўлган мовий рангли йўллар ўтган.

Қадағичнинг бўйи — 16 миллиметр, эни — 25 миллиметр.

Қадағичнинг орқа томонига эсдалик нишонини кийимга тақиб қўйиш учун тўғноғич кўринишидаги мослама ўрна-тилган.

ДЎСТЛИК ВА ҲАМЖИҲАТЛИК БАЙРАМИ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театрида 11 октябрь кунли Тожикистон маданияти кунларининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари, дипломатик корпус вакиллари, тожикистонлик санъат ва маданият намояндалари, ёшлар, мухлислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазири Б.Сайфуллаев, Тожикистон Республикаси маданият вазири-нинг биринчи ўринбосари И.Машрабов ва бошқалар халқларимиз ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳалар катори маданият соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Тожикистон маданияти кунлари доирасида Тошкентда ўтказилаётган «Замонавий Тожикистон» номли фото ва мўйқалам усталарининг ижод намуналари кўргазмаси, халқ хўнарамдари маҳсулотлари намойиши таассуротларга бой бўлмоқда. Ушбу тадбирлар давомида ўтказилган мулоқотларда ўзбек ва тожик халқларининг асрлар давомида ёнма-ён яшаб, бир-бирининг маданияти ва санъатини бойитиб келгани, бу аънавалар бугун янги босқичда давом эттирилаётгани таъкидланди.

Кечада Тожикистон санъат намояндалари томонидан намойиш этилган концерт иштирокчиларга мумтоз куй-қўшиқлардан бахраманд бўлиш имкониятини тухфа этди.



ЎЗА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Оила ва аёллар ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссиялар ташкил этилади

ЎзХДП фракциясининг йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Оила ва аёллар ҳамда Ёшлар масалалари бўйича комиссиялар тузиш масаласи муҳокама этилди.

Комиссияларнинг мақсади оилани мустаҳкамлаш, оналик, оталик ва болаликни муҳофаза қилиш, ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали амалга ошириш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аёллар, ёшларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларида қўмаклашишдан иборат бўлади.

Комила КАРОМОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини оширишга қаратилган чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда. Қонунчилик палатасининг Оила ва аёллар масалалари бўйича комиссияси вазифалари ҳам шу мақсадларга қаратилган. Хусусан, аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари, оилавий ажримлар сабабларини таҳлил қилиш ва уларнинг олдини олиш ишларида иштирок этиш, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик, айниқса, қонунга зид равишда чет элга чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олишга доир самарали механизмларни жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш масалалари комиссия эътиборида бўлади.

Маълумки, аёлларни иш билан таъминлаш ҳамisha долзарб аҳамият касб этади. Мазкур комиссия хотин-қизларнинг касб-ҳунарларни пухта эгаллаши учун муносиб шароитлар яратиш, уларни тadbиркорликка кенг



жалб этишга қўмаклашишни ҳам ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Жойларда ўтказиладиган назорат-таҳлил тadbирлари ва ўрганишлар домида қонунчиликдаги оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича камчилик ва муаммолар аниқланади. Комиссия уларни таҳлил қилган ҳолда, тегишли давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, нодавлат ношжорат ташкилотларига аниқланган қонун бузилишлари ҳамда уларни келтириб чиқарувчи сабабларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар киритади. Шунингдек, оила ва хотин-қизлар масалаларида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчилик, айниқса, қонунга зид равишда чет элга чиқиб кетиш ҳолатларининг олдини олишга доир самарали механизмларни жорий этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиш масалалари комиссия эътиборида бўлади.

Дилмурод САЎДУЛЛАЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Ёшлар масалалари бўйича ташкил этиладиган комиссиянинг асосий вазифалари уюшмаган, иш билан банд бўлмаган йигит-қизларнинг касб-ҳуна

эгаллаши учун шароитлар яратиш, уларнинг бандлигини таъминлашга қўмаклашишдан иборат бўлади.

Ёшларнинг ҳуқуқий, тиббий ва экологик маданиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни ривожлантириш, интеллектуал, маънавий-ахлоқий, эстетик, бадий дунёқарашини

Фаолияти қониқарли эмас, деб баҳоланган академик лицейлар қисқартирилиб, уларнинг бинолари ўқув жараёнида мақсадли фойдаланилади ёки маҳаллий ҳокимият балансига ўтказилади. Бу йилги тажриба натижасига қараб, янги тахрирда ўқув-услубий қўлланмалар жорий қилинади, дарс бериш тизими такомиллаштирилади.

кенгайтириш масалалари ҳам асосий эътиборда бўлади.

Шунингдек, ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш, хорижий мамлакатларда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган тadbирлар ҳам амалга оширилади.

Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи, оила муқаддаслиги ғояларини кенг тарғиб қилиш, эрта турмуш қуриш ва ёш оилалар ажралишининг олдини олиш ҳамда ёшлар масалаларида оид қонунчиликни такомиллаштириш бўйича комиссия томонидан тақлифлар ишлаб чиқилади. Ана шу тadbирларнинг самараси ўлароқ ёшлар масалаларида оид қонунларнинг ижроси бўйича парламент ва депутатлик назорати амалга оширилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар мазмун-моҳияти вазирлик ва идоралар экспертлари иштирокида муҳокама қилинди.

Хусусан, Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлисидаги ваколатли вакили

лавозимини жорий этиш тўғрисидаги қарори мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

— Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифалар ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Олий Мажлис палаталари билан ҳамкорлигининг ташкилий-ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш масалалари мазкур қарорнинг асосини ташкил этади, — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Абдуғаффор Қирғизбоев. — Ваколатли вакил лавозими жорий қилиниши қонун ижодкорлиги жараёнида ва ижро ҳокимияти органлари фаолияти устидан парламент назоратини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Натижада қонунларни кўриб чиқиш, муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнида парламент палаталари ҳамда ҳукумат ўртасида

яқин ҳамкорлик юзга келади. Муҳими, қонунлар, давлат дастурларининг бажарилиши ва бошқа йўналишлар бўйича парламент назоратини амалга оширишда ҳукумат иштироки таъминланади. Бу эса фаолиятимизда ўзига хос бурилиш ясади.

Йиғилишда Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисидаги Президент қарорининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида ҳам атрафлича сўз юритилди.

— Мазкур қарор таълим тизимини ислоҳ қилишда муҳим аҳамият касб этади, — деди Урта махсус касб-ҳунар маркази бошқарма бошлиғи Уткир Алижонов. — Унга кўра, фаолияти қониқарли эмас, деб баҳоланган академик лицейлар қисқартирилиб, уларнинг бинолари ўқув жараёнида мақсадли фойдаланилади ёки маҳаллий ҳокимият балансига ўтказилади. Бу йилги тажриба натижасига қараб, янги тахрирда ўқув-услубий қўлланмалар жорий қилинади, дарс бериш тизими такомиллаштирилади. Лицейга ўқувчи ва ўқитувчилар янги механизмдаги таълим асосида ўқишга, ишга қабул қилинади. Айни пайтда дарс 600 соат қилиб белгиланмоқда. Албатта, бу кўрсаткичлар талабга қараб ўзгартирилиши мумкин.

Бундан ташқари, барча лицейлар тўлиқ инвентаризация қилинади. Бола келгусида олий ўқув юртига ўқишга кира олмаган тақдирда унинг бандлигини таъминлаш, ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида икки йил давомида мураккаб бўлмаган касб-ҳунарга ўргатилади.

Муҳокамалар домида фракция аъзолари томонидан турли тақлифлар ўртага ташланди. Хусусан, бошқарувдан то кадрлар масаласига жиддий эътибор қаратиш кераклиги таъкитланди. Яъни, турли кўнгилсизликларнинг олдини олиш учун, аввало, раҳбар ва педагогларнинг маънавияти, касб маҳорати юксак бўлиши лозимлиги қайд этилди. Партия электорати манфаатлари билан боғлиқ саволларга мутахассислар жавоб берди.

Маънавият соати тadbирда Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Хусан Шарипов ҳам иштирок этди. У Президентимизнинг ижодкор ва зиёлилар вакиллари билан ўтказган учрашувида билдирилган фикрлар, тақлифларнинг аҳамияти хусусида ўз мулоҳазаларини билдирди.

Гулуҳ ОДАШБОВА, Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

Семинар

24 ДЕКАБРЬ
КУНИ

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади.

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтида ўтказилган семинар шу мавзуга бағишланди.

Унда партия Марказий Кенгаши ва Тошкент шаҳар кенгаши фаоллари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти ходимлари, Марказий сайлов комиссияси раиси ўринбосари Комил Адиллов иштирок этди.

Дастлаб ЎзХДП Марказий Кенгаш раиси ўринбосари Улугбек Вафоев сўзга чиқиб, Тошкент шаҳарининг туманларида халқ депутатлари Кенгашларини тузиш маҳаллий бюджетни, худудни ривожлантиришнинг истиқболга мўлжалланган дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда қабул қилишда катта аҳамиятга эга эканини таъкитлади.

— Сиёсий партиянинг Сайловолди дастури ижросида депутатлик гуруҳлари асосий механизм вазифасини ўтади, — деди у. — Демак, маълум маънода сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрнини белгилаб берадиган восита депутатлик гуруҳларидир. Улар билан ишлашда объектив ва субъектив қийинчиликлар борлигини ҳам рад этолмаймиз. Депутат, аввало, бир ташкилотнинг раҳбари ёки ходими. Ўзига яраша

Сайловчилар билан учрашиш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш лозим. Депутатлар ўз ишини тўғри ташкил қилиши учун кўмак беришимиз керак.

вазифалари бор. Шунингдек, сайловчилар билан учрашиш ва уларнинг муаммоларини ўрганиш лозим. Депутатлар ўз ишини тўғри ташкил қилиши учун кўмак беришимиз керак. Шу маънода, партиянинг туман кенгашларида ижрочи котиб лавозими жорий этилгани ҳам мақсадга мувофиқ бўлди. Унинг асосий вазифаси депутатларга яқиндан ёрдам бериш, партия билан алоқасини янада мустаҳкамлашдан иборат.

— Пойтахт туманларида маҳаллий Кенгашлар фаолияти йўлга қўйилиши долзарб масала, — дейди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири Боймурод Юсупов. — Худудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни самарали ҳал этишда бу муҳим аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг 24 декабрида Тошкент шаҳар туман Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Сайловдан сўнг ҳар бир туман Кенгашида депутатлик гуруҳлари тузилади. Бу сиёсий партиялар янада тўлақонли фаолият олиб боришига хизмат қилади. Бундан кейин туман Кенгашларининг депутатлар билан ишлаш тажрибасини ошириш масаласига ҳам алоҳида эътибор берилди.

Тadbирда партия ташкилотларига тегишли тавсиялар берилди.

Зилола АНВАРОВА
ёзиб олди.

Махлиё АЛИКУЛОВА



Муносабат

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ УЧУН МУНОСИБ ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Бугун таълим тизимининг ҳар бир босқичи ислоҳ этилмоқда. Президентимизнинг «Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони мактабгача таълим узлуксиз таълим тизимининг ҳақиқий бирламчи бўлинига айланишига хизмат қилади.

Бу ҳақда Пахтабод туманидаги 13-мактабгача таълим муассасаси мудири, ЎзХДП фаоли Мохияхон ЖУМАБОВЕВнинг фикрларини сўрадик.

— Болага сингдирилган билим ва қадриятлар унинг келгуси ҳаётини белгилаб беради. Шундан келиб чиқиб, мамлакатимизда мактабгача таълимни ривожлантиришга қаратилган қатор меъёрий-ҳуқуқий

ҳужжатлар қабул қилиниб, комплекс чора-тадбирлар амалга ошириляпти.

Айни пайтда туманимизда 26 та давлат мактабгача таълим муассасасида меҳнат қилаётган мутахассисларнинг 42 нафари олий маълумотли педагоглардир.

Бироқ айрим камчиликлар мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини тўлиқ амалга оширишга

тўсқинлик қилмоқда. Яъни, бошқаришнинг амалдаги тизими мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, соҳани янада ривожлантириш учун инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермаяпти. Шунингдек, болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олиш кўрсаткичи ҳам етарли эмас. Ходимларнинг моддий рағбатлантиришнинг паст даражаси соҳада профессионал малакали мутахассислар етишмаслигига олиб келаётган эди. Мазкур фармон бу борадаги камчиликларни ҳам бартараф этишга қаратилган.

Фармонда муассасаларда озиқ-овқат, моддий таъминот ва тарбияланувчиларга тиббий хизмат кўрсатиш масалаларига ҳам ечим топиш кўзда тутилган. Чунки болаларнинг тўғри ва сифатли овқатланиши жуда муҳим.

Баъзи ота-оналар озиқ-овқат стандартларга мос эмаслиги ҳақида эътироз билдиришади. Шу боис улар фарзандларини хусусий боғчалар ёки якка тартибдаги тарбиячиларга беришни афзал кўришади. Бу каби тарбия масканлари нисбатан қиммат бўлгани учун аксарият болалар уйда қолишга мажбур бўлишади. Ўйлайманки, ушбу ҳужжат асосида соғлом рақобат муҳити юзга келади ва ота-оналар ўзларига

маъқул мактабгача таълим муассасаларини танилаш имконига эга бўлади.

Бу ўз навбатида худудларнинг инфратузилмасини янада яхшилаш, қишлоқ ва маҳаллаларни ободонлаштириш, энг муҳими, фарзандларимизга муносиб тарбия бериш имконини оширади.

Бизни хурсанд қилган яна бир жиҳати, 2018 йилдан бошлаб Тошкент, Нукус шаҳарлари ва вилоят марказларида тажриба тарихида давлат-хусусий шериклик шартларида янги мактабгача таълим муассасалари ташкил этилади. Бундай тажриба туманларга ҳам кириб боради, деб ўйлайман. Чунки янги

механизм замонавий, ҳаммабоб боғчаларни ташкил этиш учун инвесторларга ер участкалари, бўш турган биноларни 50 йил муддатга бегараз ажратишни кўзда тутди.

Иш бошлайдиган ҳар бир муассаса ўнлаб иш ўринларига эга бўлади. Натижада ёшлар, хусусан, хотин-қизлар бандлиги билан боғлиқ масалалар ечими ҳам осонлашади. Қисқа қилиб айтганда, ушбу Фармон ўзил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос шароитларда, миллий қадрият ва анъаналар руҳида камол топишига хизмат қилади.

Зилола АНВАРОВА
ёзиб олди.

Жорий йилнинг 24 декабрида Тошкент шаҳар туман Кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловдан сўнг ҳар бир туманда депутатлик гуруҳлари тузилади.

Муносабат

ЎЗБЕК ВА
ҚИРҒИЗ БИР-
БИРИГА
ЕЛКАДОШ ХАЛҚ

Раҳматулла ЖАБОРОВ,
Ўзбекистон қирғиз миллий
маданий маркази раиси:

— Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ўтган ойда Бишкек шаҳрига давлат ташрифи доирасида бир қанча масалалар ўзининг ижобий ечимини топгани мени жуда қувонтирди. Ўз навбатида Қирғизистон Президенти Алмазбек Атамбоевнинг Тошкентга ташрифи Ўзбекистонда яшаётган барча қирғиз миллати вакиллари учун жуда қувончли воқеа, ҳаттоки байрам десам ҳам муболаға қилмаган бўламан. Алмазбек Атамбоев «Ўзэкспомарказ»да бизни қўриб, Ўзбекистонда қирғиз миллатига кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликдан кўнгли тўлиб, кайфияти янада кўтарилиб кетди.

Икки мамлакат Президентлари ўртасидаги дўстона учрашувлар, амалий муносабатлар ўзбек-қирғиз халқларининг ўзаро аҳил-иноқлиги ва ҳамкорлигини янги босқичга кўтаришига ишончим комил. Биз ҳаяжон билан учрашув жараёнини қузатиб бордик. Сиёсий, савдо-иқтисодий, ҳуқуқматларро ҳамкорликни, кишлоқ хўжалиги, маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш бўйича келишувлар қисқа фурсатларда ўз натижасини беради, албатта.

Ўзбек ва қирғиз халқи дили бир, урф-одатлари, анъаналари бир-бирига жуда яқин халқ ҳисобланади. Ўзбек маданияти қирғиз халқи учун бегона эмас. Бу халқнинг севилими шоир ва адиблари ҳам Қирғизистонда ардоқланади, асарлари севиб ўқилади. Шу баробарида қирғиз адиб ва шоирларининг ўқувчилари орасида ўзбеклар кўпласи топилади. Шу ўринда бир мисолни айтиш. Қирғиз адиби Чингиз Айтматовни билмаган, эшитмаган ўзбек йўқ. Унинг асарлари турли тилларда катта муҳаббатларга эришган. Айнан ўзбек тилида чоп этилган асарлари хорижий нашрлар орасида етакчилик қилади.

Бундан кўра Ўзбекистонда 300 минг нафардан ортиқ қирғиз миллати истиқомат қилади. Улар орасида турли соҳаларда юртимиз тараққиётига ўз ҳиссасини қўшиб келаётган, камтарона меҳнатлари давлат томонидан муносиб тақдирланаётганлари кўпласи топилади. Мен раҳбарлик қилаётган миллий маданий марказнинг вилоятлардаги марказлари ҳам эркин фаолият кўрсатиб келмоқда. Ўзбек халқи билан қандайдаси бўлиб, ака-укалардек қалин муносабатдамиз. Тўй-ҳашамларимиз бир-биримизсиз ўтмайди. Доим елкадошимиз. Ўзаро аҳил-иноқликдаги дўстлигимизга асло кўз тегмасин.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Абдусалим МАХМУДОВ
ёзиб олди.

Ўзбекистон
Республикаси
Марказий банки
ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 10 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, бошқона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгиласи:

1 АҚШ доллари	8052,08
1 ЕВРО	9450,73
1 Россия рубли	138,52
1 Англия фунт стерлинги	10547,42
1 Япония иенаси	71,52
1 Жанубий Корея вони	7,04
1 Қувайт динари	26649,28
1 Малайзия ринггити	1903,57
1 Канада доллари	6424,19
1 Хинггай юани	1213,83
1 Сингапур доллари	5905,02
1 Швейцария франки	8233,21
1 БАА дирҳами	2192,35
1 Миср фунти	457,48
1 Австралия доллари	6253,25
1 Туркия лираси	2170,14
1 СДР	11344,58
1 Украина гривнаси	301,01
1 Польша злотийси	2192,77

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ўшбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмайди.

ФАРЗАНДИГА ҒАМХЎРЛИК ҚИЛИШ
ОТА-ОНАНИНГ БУРЧИДИР

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос урф-одатлари, қадриятлари, маънавияти шаклланишида оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бахтли оилалар туфайли мустақкам жамият вужудга келади. Аҳил-тотув ва оқил ота-она фарзандларига бор меҳрини беради, уларни одобли, илмли қилиб тарбиялайди.

Афсуски, оила муқаддаслигини англамаган, фарзанд олдидаги бурчини ҳис этмаган ота-оналар сабабли баъзи оилалар бузилиб кетмоқда, болалар етим қолмоқда. Бунинг устига, оталар ўртасида болаларига алимент тўламаслик ҳолатлари ҳам кўпайиб бормоқда.

Мухбиримиз ана шу мавзуда Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яққасарой туманлараро суди раиси Абдувоҳид ҚОСИМОВ билан суҳбатлашди.

— Аввало, алимент нима, у қандай ҳолатларда кимларга берилади, деган саволга жавоб берсангиз.

— Алимент — меҳнатга лаёқатсиз оила аъзосига яқин кишилари томонидан тўланадиган нафақа.

Оила кодексига кўра, алиментлар турлича. Ота-онадан вояга етмаган болалари учун ундириладиган алимент; ота-онадан вояга етган болаларига ундириладиган алимент; вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан ота-онанга ундириладиган алимент; эр-хотиндан бир-бирига ундириладиган алимент.

— Ота-она никоҳи бекор қилинганда вояга етмаган фарзандлари учун уларнинг қайси биридан алимент ундирилади?

— Алимент ундириш учун эр-хотин қонуний ажрашган бўлиши шарт эмас. Бирга яшаётган ёки алоҳида яшовчи ота ва она вояга етмаган боласининг моддий таъминлашдан бош тортса, ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

Вояга етмаган болага алимент тўлаш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаган тақдирда ёки алимент ихтиёрий равишда тўланмаганда, ота ёки она алимент ундириш тўғрисида судга даъво ёхуд ариза билан мурожаат қилмаган ҳолда, вазирлик ва ҳомийлик идоралари вояга етмаган боланинг таъминоти учун ота ёки онадан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундириш тўғрисида даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга.

— Вояга етган болаларига алимент тўлаш тартиби қандай?

— Вояга етган, аммо меҳнатга лаёқатсиз, яъни ёрдамга муҳтож болаларга таъминот масаласи ота-она келишувига биноан бўлади. Ота-она ўртасида бундай келишув бўлмаса, низо суд орқали ҳал этилади. Бунда ота ёки онанинг оилавий ва моддий аҳволи

Бирга яшаётган ёки алоҳида яшовчи ота ва она вояга етмаган боласини моддий таъминлашдан бош тортса, ота ёки онадан суднинг ҳал қилув қарори ёки суд буйруғига асосан алимент ундирилади.

ҳисобга олиниб, ҳар ойда пул билан тўланадиган қатъий сумма белгиланади.

Айтиш жоизки, ёрдамга муҳтож болалар ота-онаси, агар улар оламдан ўтган бўлса, қариндошлари ва Оила кодексига белгиланган шахслардан ўз таъминоти учун алимент талаб қилиш ҳуқуқига эга.

— Ота ёки онадан бола учун олинган алимент миқдори қандай белгиланади?

— Ота-онадан болага ундириладиган алимент миқдори алимент тўловчининг ойлик иш ҳақи ёки бошқа даромадига нисбатан улуш ҳисобидан ёки пул билан тўланадиган қатъий суммада белгиланиши кўзда тутилган.

Алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақи



ёки бошқа даромади доимо бир хилда бўлмай, ўзгариб турса, ёхуд даромадининг бир қисmini натура тарзида оладиган бўлса, шунингдек, даромаддан улуш тарзида алимент ундириш имконияти бўлмаса, ёкики ота-она расман белгиланган иш ҳақи ёки даромадга эга бўлмаса, вояга етмаган боланинг таъминоти учун тўланиши зарур

ва нодавлат муассасалари қарамоғида экани фарзандни уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятидан халос этмайди.

Ота-она алимент ундириш тўғрисида ўз боласининг бирига ёки бир нечасига нисбатан талаб қўйишдан қатъий назар, алимент миқдорини белгилашда суд меҳнатга лаёқатли барча фарзандлар имкониятини ҳисобга олиши лозим.

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалардан алимент ундириш низои узил-кесил ҳал бўлгунча, судья шу низо бўйича вақтинча тўлаб турилиши лозим бўлган суммани кўрсатиб, ажрим чиқариши мумкин.

Алимент миқдори эса энг кам иш ҳақи миқдорининг учдан бир қисмидан кам бўлмаглиги белгиланган.

— Алиментни тўлаш ва ундириш қандай тартибда амалга оширилади?

Алимент тўловчи ўз ихтиёри билан ёки аризасига мувофиқ, ойлиги ёки пенсияси, нафақа ва стипендия, умуман, маблағ олаётган жойидан тўлайди. Алимент ихтиёрий равишда тўлаб турилиши уни олувчининг алимент ундириш ҳақида даъво ёки ариза билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Алимент олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс у кечиккан ҳолатда, судга мурожаат қилишга ҳақли. Алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб ундирилади.

Агар таъминот учун маблағ олиш чора-тадбирлари судга мурожаат этгунча қўрилган бўлса, алимент тўлаши шарт. Ота-онанинг давлат

шарт бўлган шахс суд томонидан аниқланса, ўтган давр учун алимент судга мурожаат этилган пайтдан бошлаб, уч йиллик муддат миқёсида ундириб олиниши мумкин.

Суднинг ҳал қилув қарори ёки келишув бўйича алимент ушлаб қолиши лозим бўлган иш берувчи алимент тўловчи билан меҳнат шартномасини бекор қилган бўлса, шу ҳақда ва унинг янги иш, ўқиш, турар-жойи ҳақида суд қарорини ижро этадиган ижрочиға ёки алимент олувчи шахсга уч кун ичида хабар бериши шарт.

Алимент узилишидаги қарз уни тўлаши шарт бўлган шахснинг иш ҳақи ёки бошқа даромадидан ундирилади. Иш ҳақи ёки бошқа даромад етарли бўлмаган тақдирда, алимент тўловчининг банк ва бошқа кредит ташкилотларидаги ҳисобварақасида турган, шунингдек, муайян ташкилотларга шартнома асосида ўтказган пул маблағидан ундирилади.

Айтиш жоизки, мулк ҳуқуқи ўтишига олиб келувчи шартномалар бундан мустаснодир. Бу маблағ етарли бўлмаган тақдирда, алимент тўлаши шарт бўлган шахснинг мол-мулкидан ундирилади.

Алимент ижро варақаси ёки келишув бўйича уни тўлаши шарт бўлган шахс айби билан узилган бўлса, Оила кодексига белгиланган тартибда уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

Алимент тўлашга маҳкум шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётган бўлса, қонунга кўра, алимент

тўлаш шарт бўлган шахс айби билан узилган бўлса, Оила кодексига белгиланган тартибда уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

Алимент тўлашга маҳкум шахс доимий яшаш учун ёки уч ойдан ортиқ муддатга чет давлатга кетаётган бўлса, қонунга кўра, алимент

тўлаш шарт бўлган шахс айби билан узилган бўлса, Оила кодексига белгиланган тартибда уч йиллик муддатдан қатъий назар, ўтган барча вақт учун ундирилади.

олувчи билан Оила кодексининг 130-134-моддаларига биноан келишув тузиши шарт.

Агар келишувга эришилмаса, манфаатдор шахс алимент миқдори қатъий суммада белгиланиши, алиментни бирийўла тўлаш ёки алимент эвазига муайян мол-мулкни бериш, шунингдек, бошқа усулда тўлаш ҳақида талаб билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

— Қандай ҳолларда фуқаро алимент тўлашдан озод этилади?

— Алимент тўлаётган ота-онанинг вояга етмаган болалари бўлиб, қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилса, ўша болалар алиментчиға нисбатан кам таъминланиб қоладиган бўлса, шунингдек, алимент тўловчи, ота ёки она ногирон бўлса, молиявий жиҳатдан қийиналаётган бўлса, айни вақтда алимент олувчи муайян даромадга эга бўлса, алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассаса таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволи ноқарор эканини ҳисобга олиб, алимент миқдорини камайтириши ёки уни бу мажбуриятдан халос қилиши мумкин.

— Алимент тўлашдан бош тортганлик учун қандай жавобгарлик мавжуд?

— Вояга етмаган ёки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож болаларига алимент тўлаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарорини бажаришдан бўйин товлаган шахс Оила кодексининг 79-моддасига кўра, оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум этилади. Жиноий кодексининг 122-моддасига кўра, жиноий жавобгарликка тортилади.

Ота-онанга моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик ҳам жиноий жавобгарликка олиб келади.

Суд қарорига кўра, алимент тўлашга маҳкум шахс айби билан қарз вужудга келса, айбдор шахс кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган алимент миқдорининг ўндан бир фоизи миқдоридан алимент олувчиға бадал тўлайди.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Бардамбек САБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди.

Миллий матбуот марказида

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА
ҲАМКОРЛИК — ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси (ҲПББ) томонидан «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси: осойишталик йўлида ҳамкорлик» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда ИИБ ҲПББ, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи масъуллари, Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ходимлари қатнашди.

— Сўнгги пайтларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида жуда катта ўзгаришлар юз берди, — деди ИИБ Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бош бошқармаси бошлиги Азизбек Икромов. — Хусусан, ҳар ҳафтанинг пайшанба кунини — Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси кунини маҳаллалардаги ҳонадонларга кириб, оиладаги маънавий-ижтимоий муҳит, таълим муассасаларида ўқувчилар давомати ўрганилган. Содир этилган жиноятларни ўша куннинг ўзида муҳокама қилиш, ҳуқуқбузарликларни сийёр суд мажлисларида

қўриб чиқиш амалиёти жорий этилди. Ўтказилган тадбирлар натижасида жиноятларнинг салмоғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11 фоизга камайди.

Ҳонадонларга борилиб, ҳар бир уйда юзага келаётган турли хил муаммолар ўрганилди. Тадбирлар жараёнида 284 мингдан ортиқ ҳуқуқбузарлик аниқланиб, қонунчиликда белгиланган тартибда чоралар қўрилиши таъминланди. Маҳаллаларда профилактика инспекторлари ва жамоатчилик вакиллари билан биргаликда фуқароларнинг осойишталигини таъминлаш йўлида туну кун хизмат олиб борилиши натижасида 1 528 маҳаллада жиноят содир этилишининг олди олинишига эришилди. Жиноят содир этиб, жазодан қочиб юрган 849 нафар қидирувдаги шахс ушланди.

Бундан ташқари, ўтмишда содир этилган 559 жиноят фош этилди. Лекин амалга оширилаётган профилактик тадбирларга қарама-қарсис, содир этилаётган жиноятларнинг оила-турмуш муносабатлари доирасидаги сони камаймаётган. Хусусан, жорий

йилнинг ўтган даври мобайнида қотиллик ва суиқасд қилиш жиноятларининг 135 таси оила-турмуш муносабатлари доирасидаги келишмовчиликлар туфайли юз берган.

Ўқувчилар ўртасида қаровсизлик, назоратсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, даволатини яхшилашда ички ишлар органлари асосий эътиборни таълим муассасалари билан ҳамкорликка қаратмоқда. Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳамкорликда амалга оширилган режали тадбирлар натижасида республика ҳудудида вояга етмаганлар жиноятчилиги сезиларли даражада камайди.

Анжуманда юртимизда осойишталиқни таъминлашда маҳалла фаоллари билан ҳамкорликни янада яхшилаш зарурлиги қайд этилди. Шунингдек, ИИБ тизими мутасаддилари тадбир иштирокчиларининг саволларига жавоб берди.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози мухбири»

Президентимиз Шавкат Мирзиёев яқинда Андижон вилоятида бўлганида, Бўз туманининг «Чорвадор» маҳалласида яшаётган аҳоли турмуш тарзи билан ҳам танишган эди.

ҲАМЖИҲАТ МАҲАЛЛАДА
ФАЙЗ-БАРАКА БЎЛАДИ

Маҳаллада ишлашнинг ўзига яраша масъулияти бор. Негаки, ҳар бир фуқаронинг дардини, ташвишини ўзиникидек қабул қилиш инсондан улкан матонат талаб этади. Одамларнинг муаммосига, қийнаб турган саволларига жавоб топиб берган инсонгина маҳалла тизимидаги лавозимларга муносиб бўлади.

«Чорвадор» маҳалласида амалга оширилаётган хайрли ишларда маҳалла раиси Илҳомжон Пўлатов, диний маърифат ва маънавий ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи Раънохон Мамажонов ҳамда фаолларнинг хизмати катта бўлмоқда. Маҳалла посбони Нурмухаммад Улмасов, профилактика инспектори Нозимжон Раҳмоновлар маҳалладаги ҳар бир оилада вояга етаётган болалар ва ўсмирлар шарт-шароити, ҳудуддаги мавжуд 743 оиланинг турмуш тарзи билан танишган борадилар.

— Ёшларимиз меҳнаткаш, — дейди маҳалла раиси Илҳомжон Пўлатов. — Уларнинг кўпчилиги ҳусусий тадбиркорлик қорхоналарида меҳнат қилишяпти. Бир қисми

томорқада ишласа, қолгани чорвачилик билан шуғулланиб яхши даромад топапти.

Маҳалла фаоллари тўй-маъракаларни камчиқиб, ихчам қилиб ўтказишда пиру бадавлат отахонлар, онахонлар билан бамаслаҳат иш тутмоқда. Улар барча тадбирларга бошқош бўлиб, маросимларни меъёрий талабларга мос ўтишини назорат қилишади.

Турсуной Болтабоева, Манзураҳон Умаровалар каби фаоллар, кўчабошилар тўй-маъракалар билан боғлиқ барча муаммоларни ҳал этишда ҳамжиҳатликда иш олиб боришмоқда. Маҳалла имоми Муҳаммадали Ўсканов, отиний Марзияхон Рустамовалар томонидан диний-ахлоқий мавзуларда суҳбатлар ўтказилиб турилади. Қайнона-келин муносабатлари, ёш оилаларнинг муаммолари ўрганилиб, жойида ечим топилади.

Ҳамжиҳат маҳаллада тинчлик-осойишталик, фойз-барака бўлади. «Чорвадор» маҳалласи ана шундай гўшалардан биридир.

Илҳомжон ТОҶИБОВ

Ота-онанга моддий ёрдам бериш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик ҳам жиноий жавобгарликка олиб келади.

«ОЛИМПИАДА ЧЕМПИОНИ БЎЛМОҚЧИМАН»

Дзюдо бўйича Тошкентда бўлиб ўтган Гран-при туркумига кирувчи халқаро турнирда юртдошимиз Гулноза Матниёзова олтин медалга сазовор бўлди.

— Мен Хоразм вилоятининг Ҳазорасп туманида туғилганман, — дейди у. — Оиламизда отам ва акам спортга қизиқарди. Бу менга туртки берган, албатта. Урганч олимпиада захиралари коллежига ўқишга кирганимдан сўнг дзюдо билан жиддий шугуллана бошлаганман.

— Мураббийларингиз ҳақида гапириб берсангиз?

— Биринчи мураббийим Тамара Югай бўлган. Ундан бир умрга миннатдорман. Бугунги кунда Жамшид Худойбергенов менга устозлик қилмоқда. Терма жамоамиздаги баъзи мураббийлар менга турлича усулларни таклиф қилишди. Турри, улар айтган техникани ўзлаштирган спортчи яхши натижа қайд этиши мумкин. Лекин ўша усулларни мен қабул қила олмадим. Шунингдек, яна бир мураббийим Фарҳод Тўраев турли мусобақаларда давомда менга далда бўлган. Ҳар доим чемпионатларга у киши билан бирга борсам, ўзимга бўлган ишонч янада ортади.

— Япон ва ўзбек дзюдо-чи қизлари ўртасида қандай фарқ бор?


— Улар ўртасида фарқ йўқ, деб ўйлайман. Юқори натижаларга эришиш, аввало, инсоннинг ўзига боғлиқ.

Спортчида ватанпарварлик туйғуси юксак бўлиши керак. Ушанда у рақибни ким бўлишидан қатъи назар, ғалаба қозонади. Япон рақибларим билан курашган пайтим ҳеч қачон қўрқманман, бор имкониятимни ишга солиб икки марта ютганман, бир марта ютқанганман. Лекин шунга айтиб ўтишим керакки, Япония дзюдо ватани бўлгани



учун улар мазкур спорт турига янги қонун-қондалар ва ўзгартиришлар киритилганда, биринчи бўлиб хабар топишди.

Сўнгги вақтларда мамлакатимизда хотин-қизлар спортига алоҳида эътибор қаратилиши натижасида ўзбек дзюдо-чи қизларининг маҳорати ошди. Рио 2016



Олимпиада ўйинларидан сўнг терма жамоамиз таркибига ёшлар қўшилди. Улар Тошкент Гран-присида ўзларини кўрсатишди. Энг муҳими, уларда ҳеч қандай қўрқмай курашиш ҳисси пайдо бўлган. Насиб бўлса, бу қизлар тез фурсатларда мусобақаларда юқори натижаларга эриша бошлайди. Рио 2016 Олимпиадасига бир нафар қиз борган бўлса, Токио 2020 Олимпиадасига камида 3 нафар спортчи қиз боради, деб ўйлайман.

— Чемпион бўлиш учун нима қилиш керак?

— Чемпион бўлиш учун авваламбор жуда кўп меҳнат қилиш лозим. Спорт билан шугулланишнинг дастлабки йилларида мусобақаларда ютқазганингизда, «Бўлди мендан спортчи чиқмас экан», деб тушунликка тушиб қоласиз. Спортчи бир, икки, уч мусобақада ютқазгани

мумкин, лекин шунда ҳам ўз устиди ишлашни давом эттирсан, олдига қўйган мақсади сари интилсан, у албатта яхши натижага эришасан.

— Спортчи учун муҳими нима?

— 17 ёшимда қаттиқ жароҳат олдим. Шунда шифокорлар операциядан сўнг спорт билан шугулланишни ман этишди. Сабоби, оғимга оғирлик тушиши мумкин экан. Лекин олдинга қараб интилдим. Бутун иродамни, куч-қудратимни ишга солдим. Оғир синовларни енгиб ўтиб, фахрлинишга эришганим натижаларни қайд этдим. Ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида иккинчи, Осиё чемпионатида биринчи ўринни олган эдим. Рио-де-Жанейро Олимпиада ўйинларида иштирок этдим. Сўнгра

Осиё чемпионатида иккинчи ўринни, 2016 йил ва шу йил Тошкент Гран-присида ҳамда Бокуда бўлиб ўтган IV Ислам бирдамлик ўйинларида биринчи ўринни олдим.

— Мамлакатимизда спортчиларга яратилаётган шароитлар сизни қаноатлантирадими?

— Федерациямиз маълумот олиб боришимиз учун барча шароитларни яратиб берган. Турнирларда иштирок этиш учун бошқа давлатларга борганимизда кўрамиз, ҳаттоки, дзюдо ривожланган мамлакатларда ҳам биздагидек шароит йўқ. Ушбу қулайликларнинг бир қисми вилоятларда ҳам бўлса, ички чемпионат савияси кўтариларди. Нафақат вилоят марказларида, балки, ҳар бир туман, шаҳарда дзюдо тўғралоқлари очилса, яхши бўларди. Чунки



фарзандлари вилоят марказларига бориб шугулланиши учун ҳамма ота-оналарнинг ҳам имконияти йўқ.

Узим туғилган Ҳазорасп туманида ҳам дзюдо унчалик ривожланмаган. Лекин спортнинг ушбу турига қизиқувчи истиснодлик бўлалар кўп.

— Келажакдаги режаларингиз қандай?

— Тошкентда бўлиб ўтган Гран-при мусобақасида ғолиб бўлганимда, ўзимга бўлган ишончим янада мустаҳкамланди. Турнирда ғалаба қозониш учун куч топаолдим, деб ўйлайман. Насиб бўлса, навбатдаги катта дубулга турнирларида, жаҳон чемпионатида ҳамда бошқа мусобақаларда муносиб иштирок этиб, Токио 2020 Олимпиада ўйинларига йўланма-ни қўлга киритишни ният қилганман. Шунингдек, энг улуг мақсадим — Токио Олимпиадаси чемпиони бўлиш.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Шаҳноз САЙДОВ
суҳбатлашди.

Миллий матбуот марказида

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри қўмитасининг Тошкент вилоят бошқармаси матбуот анжумани ўтказди.

ЕРДАН ОҚИЛОНА
ҲОЙДАЛАНИШ
— БУРЧИМИЗ

— Ер ресурсларидан оқилонна ҳойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш долзарб масала, — дейди бошқарманинг ерлардан ҳойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш назорати бўлими бошлиги Акмал Қаршибоев.

— Бошқарма томонидан жорий йилда 36 марта ердан ҳойдаланиш юзасидан текширишлар ўтказилди. 33 ҳолатда ердан ҳойдаланувчилар томонидан қонун бузилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. 24 раҳбар маъмурий жавобгарликка тортилиб, 7,3 миллион сўм миқдорида жаримага тортилди.

Шунингдек, режасиз ўтказилган текширувлар натижасида аниқланган қонун бузилишларининг 63 фоизи уй-жой ва бошқа қурилишлар, ерларни ўзбошимчилик билан эгаллаб олиш, 6 фоизи ерлардан бошқа мақсадларда ҳойдаланиш ва 31 фоизи кўп йиллик дарахтлар экиб олганлиги аниқланди.

Олиб борилган профилактика ишлари натижасида 80 га яқин тадбиркорлик субъектларида йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг бартараф этилишига, 60 дан ортиқ тадбиркорлик субъектларида қонун бузилишининг олди олинишига эришилди.

Фуқароларга тегишли томорқа, дала ҳовли ва деҳқон хўжалигига қарашли ер майдонларидан ҳойдаланилиши юзасидан ўтказилган текширишлар натижасида 36,7 гектар майдондан самарасиз ва белгиланганидан бошқа мақсадларда ҳойдаланиб келинаётгани аниқланди. Бу рақамларнинг барчаси ердан ҳойдаланувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш долзарб вазифага айлانганини кўрсатмоқда.

Тадбирда истиқболдаги лойиҳалар тўғрисида ҳам маълумотлар берилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Қарор ва ижро

ХАЛҚИМИЗНИ РОЗИ ҚИЛИШ
— АСОСИЙ МАҚСАД

Президентимизнинг жорий йил 8 августдаги «Худудларнинг жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан вилоят, туман ва шаҳарларда ташкил этилган секторларда ҳокимлар, прокуратура, ички ишлар ва давлат солиқ хизмати худудий органлари раҳбарлари бошчилигида худудни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Самарқанд шаҳри худуди ҳам тўрт секторга бўлиниб, ҳар бир секторда алоҳида чора-тадбирлар дастури асосида иш олиб борилаётган.

Маълум тузилмалар томонидан уй-жой, коммунал ва йўл хўжалиги, худудларни ободонлаштириш ва қўламосдорлаштириш, намунавий маҳалла ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини шакллантириш, жойлардаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ҳамда ҳал этиш бўйича зарур чоралар кўриломоқда. Ижтимоий муҳофазанинг манзиллилигини, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳаларнинг самарали фаолият кўрсатишини таъминлашга амалий кўмак берилмоқда. Шунингдек, худудда тинчлик-осойишталик барқарорлигига эришиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар юзага келишининг олдини олишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа идоралар билан ҳамкорликда олиб борилаётган профилактик тадбирлар аҳамияти катта бўлмоқда.

Бундай фаолият самарасини Самарқанд шаҳар прокурори бош бўлган иккинчи секторда ҳам кўриш мумкин. 76 маҳалла, 7 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати, 40 дан ортиқ таълим муассасаси, 5 шифо маскани ва бошқа корхона-ташкилотлар бўлган худудда соҳалар бўйича ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, барча объектларнинг паспорти тайёрланган.

— Биринчи навбатда хонадонма-хонадон юриб, аҳоли билан мулоқот қилиб, уларнинг тақлифларини эшитаямиз, муаммо ва камчиликларни ёзиб оляймиз, — дейди Самарқанд шаҳридаги иккинчи сектор раҳбари, шаҳар прокурори Б.Облоқулов. — Худуди шу тартибда худуддаги корхона-ташкилотлар ҳам ўрганилган ва шу асосда йўл харитаси тузилиб, ҳар бир муаммога аниқ ечим топиломоқда. Маҳаллаларда аҳолини уй-жой билан таъминлаш

масаласи энг долзарб экани туфайли фуқароларга бу борада ҳуқуқий ёрдам бериб, ҳокимлик ва бошқа идораларга мурожаат қилишимиз.

Жойлардаги ўрганишлар давомида Қўшқовуз маҳалласи аҳоли хонадонларида табиий газ босими пастлигидан шикоят қилган эди. Сектор ишчи гуруҳи ва мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида ушбу масала қисқа фурсат ичида ҳал этилди.

Илгари Самарқанд тумани таркибига бўлган Қир маҳалласи Самарқанд шаҳрига қўшилганидан кейин 485 хонадондан аксариятида кадастр ҳужжатларини тайёрлашга эҳтиёж туғилди. Ҳозир шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри давлат корхонаси ходимлари томонидан уй-жойлар инвентаризациядан ўтказилмоқда. Ушбу тадбир якунланган, белгиланган муддатларда хонадон эгаларига тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Худудни ўрганиш ҳамда аҳоли билан мулоқот чоғида маҳаллалардаги ички йўлларнинг таъмирталаблиги ҳам муҳим муаммо сифатида кўтарилди. Шундан келиб чиқиб, айни пайтда ишчи гуруҳ томонидан 2018 йилда йўлларни сифатли таъмирлаш бўйича йўл харитаси ишлаб чиқилмоқда.

Сектор фаолиятида аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳар ой якунида маҳаллаларда вазият таҳлил этилиб, содир этилган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларни келтириб чиқарган омиллар ўрганилган ҳолда, келгусида бундай ҳолатларнинг олдини олиш чоралари кўриломоқда. Ҳафта-нинг пайшанба кўни ички ишлар идоралари ходимлари томонидан маҳаллаларда профилактика тадбирлари ўтказилмоқда. Оилавий ажримлар ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида сайёр суд мажлисларини маҳаллаларда ўтказиш йўлга қўйилди. Худудда жамоатчилик назорати масканлари фаолият бошлади.

Вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида маҳаллалар ва таълим муассасаларида спорт тўғралоқлари қўлайтирилиб, мунтазам равишда мусобақалар ташкил этилаётди.

Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА мухбири.

Реклама

ЗАВОД «KRANTAS»
производит и реализует под заказ:

- Бензовозы — 4, 8, 10, 12, 16 м³.
- Водовозы — 4, 8, 12 м³.
- Вахтовые автобусы 4х4 — 22 мест, 6х6 — 26 мест.
- Комбинированные поливомоечные машины — 4, 8 м³.
- Кислотовозы — 6, 8, 10 м³.
- Автогудронаторы — 6, 8 м³.
- Подурицепы: бензовоз, самосвальный, бортовой, контейнеровоз.

Адрес: Республика Узбекистан, г. Ташкент. Тел./факс: (+99871) 262-97-78, (+99871) 262-23-61. Моб.: (+99890) 188-15-33, (+99890) 187-52-05.
E-mail: cst2008@mail.ru Web-site: www.avtokran.uz, www.krantas.uz

ГАРАНТИЯ 1 ГОД

Товары сертифицированы.

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Hotamjon KETMONOV

Ulug'bek VAFOYEV

Saidkamol XODJAYEV

Muslihidin

MUHIDDINOV

Ochilboy RAMATOV

Farrux HAMROYEV

(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)

Tat'yana KISTANOVA

(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:

100000, Toshkent,

Matbuotchilar

ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiда chop etildi. Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bo'sma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1038

8879

nusxada

bosildi.

Satuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi — 220

t — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 23:20

Topshirilgan vaqti — 01:30

Navbatchi:

Nurullo OSTONOV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633

1 2 3 4 6